O'ZINGNI ANGLA!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 15 (529)

2007-yil 4-aprel

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • Chorshanba kunlari chiqadi • E-mail: hurriyat@mail.ru • http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 **Ички «пост»ларга зарурат борми?**



**Кейинги пайтда Ромитон тумани ҳудудида "янги" божхона пайдо бўлиб қолди. Бундан йўловчилар ҳам, ҳайдовчилар ҳам ҳайрон! Бу нимаси?! Худди икки давлат чегарасидек, халқаро аҳамиятга эга бўлган Буюк Ипак йўли темир панжаралар билан таққатақ беркитиб қўйилибди!**

3 **Йўллар... Марсда кесишди!**



**Хитой давлати фазовий тадқиқотлар шунчаки қизиқиш юзасидан амалга оширaётгани йўқ. Коммунистик тузумни афзал билаётган ва буюк давлатлар билан барча соҳаларда рақобатлашаётган мамлакат учун бу, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласидир.**

4 **«Дастлаб Амал бўлган»**



**Бизнинг барча сўзларимиз, яъни биз ифодалаган ва ифодаламаган, алоҳида ва жам қилинган фикрларимиз бирор яхлит нарсанинг парчаси, холос. Бу занжир қанчалик улкан ва у нималарни қамраб олганидан қатъий назар унинг биринчи ҳалқаси абадиятга, ҳамма нарсани англатувчи Каломга.**

**HURRIYATга**
**2007 йил учун обуна йил бўйи давом этади.**
**Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!**
Нашр кўрсаткичи — 233

**Сана**

*9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун*

# Жаннатмакон боғлар

***Кечагидек эсимда. 1973 йилнинг баҳори эди. Расмий делегация таркибида Ҳиндистонга сафар қилгандим. Учрашувлардан бўш вақтларда мезбонлар қизиқарли экскурсиялар ташкил этардилар.***

**Наим ҒОЙИБОВ,**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Деҳлида ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида биз кўрган тарихий ва маданий ёдгорликларга боқиб бефарқ қолиш мумкин эмасди. "Лаъл қалъа" ("Қизил қалъа") мажмуидаги меъморчилик санъатининг бетакрор обидалари, шунингдек, "Ҳумоюн мақбараси" ансамбли гўзаллиги бизни лол қолдирди. Бу обидалар Амир Темур авлодлари — Бобурийлар раҳнамолигида бунёд этилганини эшитган сафардошларим ўз ҳайратларини ҳеч қаерга сиғдира олмас эдилар.

Ўшанда "Лаъл қалъа"даги улкан боғ ва бири-биридан гўзал обидаларни томоша қилиб юриб, айлана гумбазли, ранго-ранг нақшинкор, "осмон"и кенг бир залга кириб келдик. Залнинг баланд гумбази доираси "гардиш"ида араб алифбосида форсча қуйидаги байт битилган эди:

**Агар фирдавс дар ин**
**замин аст,**
**Ҳамин асту, ҳамин асту,**
**ҳамин аст.**

Яъни: агар ер юзида жаннат бор бўлса, у ана шу, ана шу, ана шудир.

Ҳақ гап. Чиндан ҳам "Лаъл қалъа"нинг мўъжизакор гўзаллигини кўриб, боғ-қалъа этагида шовуллаб оқаётган зилол дарё сувига тикилиб, "Бу дунёнинг жаннати шу бўлса керак", деган ўй хаёлингиздан ўтади. Шу билан бирга айни лаҳзаларда қалбимда майин бир мағрурлик ҳамда улкан бир қувонч ҳиссиёти тўлиб-тошмоқда эди. Ахир бу жаннатмакон боғ ва қасрларни бизнинг халқимиз ўтмиш авлодлари бунёд этганлар, бу ишларнинг бош ташаббускори ва ҳомийси буюк бобомиз Амир Темурдир.

Манбаларда кўрсатилишича, Амир Темур ўзининг боғ яратишдаги фаол ҳаракати туфайли Самарқанд атрофида 12 та боғ-сарой барпо эттирган. Булар: Боғи Нақшижаҳон, Боғи Беҳишт, Боғи Шоҳруҳ, Боғи Дилкушо, Боғи Шамол, Боғи Давлатобод, Боғи Бўлду, Боғи Майдон, Боғи Баланд, Боғи Чинор, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Нав боғларидир. Булардан ташқари, Бухоро, Шаҳрисабзда Соҳибқирон топшириғига кўра гўзал боғлар барпо этилган; салтанатнинг бошқа шаҳарларида кўплаб сайилгоҳлар, кўркам майдон ва боғу бўстонлар яратилган. Бу боғларнинг яратилишига аксарият ҳолларда боғ барпо этилажак ернинг баланд-пастлигига, сув манбаининг ҳолатига, табиатнинг хусусиятларига шахсан Соҳибқироннинг ўзи эътибор қаратган.

Амир Темур бошлаб берган боғ яратиш каби муборак ташаббус Соҳибқирон ҳаётлигидаёқ



мамлакатда урфга айланди. Буюк амир вафотидан кейин унинг авлодлари, хусусан, икки асрдан кўпроқ Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласи бу урфни давом эттирди ва ривожлантирди. Юқорида қайд этилган Деҳлида Бобурийлар томонидан бунёд этилган "Лаъл қалъа" боғ-сарой мажмуи, шунингдек, Агра ва бошқа шаҳарларда яратилган боғ ва оромгоҳлар бунинг далилидир.

Ушбу сатрлар муаллифи Покистонда хизмат сафарида бўлганида (1994-1997) Бобурийлар бунёд этган яна бир нечта боғ-саройлар, дам олиш масканлари билан танишишга муяссар бўлди. Бу жиҳатдан Покистоннинг Панжоб вилояти маркази — Лаҳўр шаҳрида бунёд этилган ёдгорликлар айниқса диққатга сазовордир. Лаҳўрда Темурийлар Акбаршоҳ, Жаҳонгиршоҳ, Шоҳжаҳонлар ҳукмронлиги даврида бунёд этилган "Шаъҳий қалъа" ("Шоҳ қалъаси") боғ-сарой мажмуаси кишини ҳайратга солади. У турли хил девонхоналар, элчилар, вазирлар, бошқа аъло аъёнлар қабул қилишга мўлжалланган қасрлар, йиғинлар ўтадиган қишки ва ёзги айвонлар, фармонлар ўқиб эшиттириладиган махсус қурилмалар, ташқи ва "Шишмаҳал" номли ички қароргоҳлар, ҳозирда ҳам улкан ҳисобланадиган масжид (Шаъҳий масжиди) ва ҳоказо кошоналарни ўз ичига олади. "Шаъҳий қалъа"ни барпо этишда Самарқанд, Бухоро меъморчилиги тажрибалари билан бир қаторда маҳаллий анъаналардан ҳам фойдаланилган.

"Шаъҳий қалъа" мажмуи улкан кенг боғ оромгоҳини ҳам ўз ичига олади. Қалъа ичма-ич бир неча қисмлардан ташкил топганлиги сабабли унинг ҳар бир қисмида ҳар хил дарахтлар ўтказилганлиги кўзга ташланади. Мевали дарахтлар, хусусан, Покистон иқлимига мослашган манго мевали дарахтлари қанчалик кўп бўлса, "мевасиз" манзарали дарахтлар ҳам шунчалик кўпдир. Булар орасида қишин-ёзин бир хил гуллаб, анвойи ҳидлар таратувчи дарахтлар ҳам анчагина. Боғнинг кенг ва яшил майдонларида ҳозир ҳам шаҳар аҳолиси ва бу ерга келган меҳмонлар ҳордиқ чиқарадилар. 1947 йилда Покистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг "Шаъҳий қалъа" билан туташ катта майдонда Мустақиллик хиёбони барпо этилиб, "Шаъҳий қалъа" ва янги хиёбон мажмуалари бирикмасидан иборат улкан саёҳат ва дам олиш маскани юзага келтирилган.

Лаҳўрда Темурийларга тегишли яна бир "мўъжиза" бор. У "Шалимар" боғидир. (Лаҳўрликларнинг айтишларича, "Шалимар" сўзи "Муҳаббат ва бахт маскани" маъносини билдиради — Н.Ғ.). Бу боғ ҳам Акбаршоҳ, Жаҳонгиршоҳ ва Шоҳжаҳон ҳукмронлиги даврларида бунёд этилган. "Шалимар" боғи мажмуи ўнлаб фавворалар, мармар оромгоҳлар, нақшинкор саройлар, Шоҳжаҳон масжидини ўз ичига олади. Лаҳўрлик тарихчи олимларнинг айтишларича, "Шалимар" боғининг ҳудуди ҳозиргисидан анча катта бўлган. Кейинчалик эса боғ атрофида турли бинолар қурилавериб, унинг майдони "қисилиб" қолган экан. Лекин боғнинг майдони ҳам ҳазилакам эмас, у Европа ва Осиёнинг замонавий боғларидан катта бўлса каттадир, аммо кичик эмас.

Боғнинг қоқ ўртасидан ўтган эни 5-6 метр, узунлиги бир километрдан кўпроқ келадиган, қирғоқлари мармартошлар билан ишланган, суви зилол канал боққа киришингиз билан эътиборингизни тортади. Бутун канал бўйлаб 10-15 метр масофада мармартошлар билан ишланган фавворалар каскади саф тортган. Каналнинг иккала томонида ҳам кенглиги чамаси 8-10 метр келадиган хиёбон бутун канал бўйлаб чўзилиб кетган. Каналнинг поёнида эса катта-кичик бир нечта сув ҳавзалари бўлиб, бу ҳавзалар ўртасида мармардан ишланган катта-кичик майдонлар, бу майдонларга элтадиган мармар йўлкалар қурилган. Айтишларича, бу майдонларда машшоқлар куй чалар, ҳофизлар ашула айтар, гўзал маликалар рақсга тушиб, боғда дам олувчиларга томошалар кўрсатишар экан.

*Давоми 2-бетда.*

**Тадбир**

***Матбуотда кенг ёритиладиган долзарб мавзулардан бири аёллар масаласидир. Бу мавзу устида ҳар қандай оммавий ахборот воситаси мунтазам чиқишлар қилади. Аммо бугунги кунда эътибор қаратилиши керак бўлган нуқта бу чиқишларнинг қандайлигидадир.***

# Матбуотда аёллар мавзуси

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган "Аёлнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши" мавзусидаги форумда айни шу масала муҳокама қилинди. Форум Журналистлар ижодий уюшмаси, Хотин қизлар қўмитаси ҳамда "Оила ва жамият" газетаси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, Олий Мажлисдан вакиллар, журналистлар, жумладан хотин-қизлар йўналишига ихтисослашган босма нашрларнинг бош муҳаррир ва мухбирлари иштирок этдилар.

Форумни "Оила ва жамият" газетаси бош муҳаррири Дилбар Саидова олиб борди. Форум очилишида сўзга чиққан Фонд директори Жалолиддин Ҳакимов жамият ва ундаги муаммоларни ҳал этишда аёллар ўрнига урғу берган бўлса, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов бу борада юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, мамлакат раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурларининг аҳамияти ҳақида фикр билдирди.

Форум давомида турли мавзуларда тайёрланган маърузалар, мунозаралардан шу маълум бўлдики, оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган аёллар мавзусига янгича руҳ бағишлаш, баён қилиш услубида эски қолиплардан воз кечиш керак. Таҳлилларга қараганда, бу мавзуга кўп мурожаат қиладиган нашрлар кўнгилочар газеталар ҳисобланади. Аммо улардаги материаллар муаммони ечишда тўлиқ хизмат қилолмаяпти. Йиғилганлар оила мавзусида ёзилган мақола ва ҳикояларга танқидий фикрлар билдириб, мисоллар келтиришди. Марказий газеталарда бу ҳолат бирмунча яхши бўлса-да, вилоят ва туман ОАВларида анча сусткашликни кўриш мумкин.

Форумда кўтарилган мавзулардан яна бири хотин-қизларга ихтисослашган босма нашрлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўлди. Фонднинг лойиҳалар раҳбари Мавжуда Йўлдошева ўрнатилажак ҳамкорликнинг режа ва истиқболлари билан таништирди. Ҳозирда бу йўналишга ихтисослашган газета ва журналлар сони 20 га яқин бўлиб, бир ғоя остида бирлашиш, тажриба ва фикр алмашиш муаммони ҳал этишни тезлаштириши мумкин.

Форум сўнгида аёлларга ихтисослашган газеталар веб-сайти билан таништирилди.

**Дурдона АЛИМОВА**

**Аҳвол**

# «Бирров»нинг нархи қанча?

**Даврада суҳбатлашиб ўтирган эдик, маҳалламизнинг энг кекса оқсоқолларидан бири яқинда тўй ўтказган йигитга қараб шундай деди:**

**— Тўйни яхши ўтказиб олдингми, болам, артистнинг ҳам танқислисини олиб келибсан, айтишларича 5-6 та қўшиқ айтиб, кетиб қолибди...**

**Йигит оқсоқолга куллуқ қилиб: "Қўшиқчи бирровга келувди", деб жавоб берди.**

**Ҳамид НОРҚУЛОВ**

Оқсоқол ҳам қўймади:

— Бу "бирров" дегани нимаси?

Йигитнинг жавоб бермасликдан бошқа иложи қолмади:

— Қўшиқчи билан бир келиб қўшиқ айтиб кетиши учун маълум суммага оғзаки шартнома тузасиз. Келади, айтади-айтади, кейин кетади. Қолганлар келган жойидан давом эттираверади, бува.

— Қанча бердинг, болам, — деб оқсоқол тутган жойидан қўймади. Йигит нархини айтди.

— Оббо, бизнинг Чувилдоққа (қишлоқнинг номи) бу пулга ўзимизнинг артистлардан тўрттаси келади-ку, — бува мазза қилиб кулди.

Шу суҳбат баҳона бўлдими, кейинги пайтларда анча урф бўлиб кетган "бирров" ҳақида чуқур ўйлаб қолдим.

Маҳалламизнинг 80-85 ёшларни қоралаган кексалари Маъмуржон Узоқов, Тамарахоним, Ҳалима Носирова каби эл суйган санъаткорларни теп-текин келиб, тўйда хизмат қилиб кетганлигини айтишганда кўпчилигимиз ишонмасдик. Саксонни қоралаган отам бир воқеани айтиб берган эди.

— Қурол деган бир йигит қишлоғимизнинг подасини боқарди. Шу йигит фарзанд кўрмай юриб-юриб ўғил кўрди. Ният қилди, ўғлининг суннат тўйига Маъмуржон Узоқовни олиб келаман деб. Ҳофизнинг Тошкентга келганини эшитиб, тинимсиз қатнайверди, ҳеч учратолмади. Шу камбағалнинг орзуси ушалсин деб пода ҳам навбат билан боқишга ўтиб кетди. Ахийри "Тошкент денгизи"нинг шундоқ ёнидаги "Қундузак" деган қишлоққа келармиш деган гапни эшитиб қолади. Тўйга бориб нима деб тушунтирса тушунтиргандир, Маъмуржон Узоқов подачининг тўйига келиб, ўртадан тушган пулни белбоққа тугиб, қўлига бериб кетган эди.

Мен улуғ санъаткорларимизнинг бундай тантилиги, олий ҳимматлиги ҳақида жуда кўп эшитганман. Лекин кейинги пайтларда санъаткорларнинг бундай мардлиги ҳақида бирор воқеанинг овоза бўлганлигини эшитмадим. Газеталарда қайси санъаткорлар билан шу мавзуда суҳбат очилса, дарров: "Қўшиқ ёзиш пул, мусиқаси учун пул, яна клип учун фалон пул керак", деган чиройли баҳоналарни шундай "қоғозга ўраб" гапиришадики, беихтиёр: "Уларга ҳам қийин экан-да", деб юборасиз.

Дарвоқе... гап "бирров" ҳақида эди. Тўй қилган инсон элга ёзилган дастурхони олдида таниқли ҳофизнинг қўшиқ айтишини орзу қилади. Айниқса, қишлоқ одамлари учун бу шараф. Буни манманликка, ўзини кўрсатиб қўйишга йўйиш нотўғри. Балки бу ҳам ўзбек минталитетининг ўзига хос томонларидан биридир: фарзандининг камолини кўзлаган ота-она бу камолот йўлини бир четида фарзанди тўйида айнан улуғ, таниқли санъаткорнинг бир жуфтгина бўлса-да қўшиқ айтишини истайди. Ахир бир хотирлаб кўринг-а, ўз ҳаётингиз давомида фарзанди туғилганидаёқ унга машҳур санъаткорларнинг исмларини қўйган, бешикдаги чақалоғининг тўйига Аллоҳ насиб этса фалон санъаткорни олиб келишини ният қилиб қўйган оталарни нечтасини кўрган экансиз? Менимча, тўйга номи чиққан санъаткорни олиб келиш юқорида айтганимиздек манманлик, ном чиқарга эмас, аксарият ҳолларда кўп йиллик орзуларнинг ушалишидир. Қишлоқ одамларининг: "Фалончининг тўйида фалончи қўшиқларини мазза қилиб эшитдик", деган бир оғиз гапи тўй эгасининг барча чарчоқларини ёзиб юборади.

Масаланинг яна бир муҳим томонини унутмаслик керак. Бизнинг халқимиз санъатсевар халқ, ўз санъаткорларини бошига кўтаргувчи халқ. Лекин қишлоқ одамларининг ҳар куни телевизорларда реклама қилинаётган пойтахтдаги муҳташам саройларда бўлиб ўтадиган катта концертларга боришга вақти қайда дейсиз. Эрта тонгдан кетмони билан қуёшни ўз ётоғидан уйғотиб, то кечгача даласида ғўзасининг ортидан жоннисор юрадиган деҳқоннинг шаҳардаги катта концертга жуда-жуда боргиси келади, у ҳам одам, лекин кун санайдиган ғўзасини бир кунга ёлғиз қолдира оладими? Деҳқон ерга чигит қадалганидан сўнг фақат ғўзасининг айтганини қилади, ҳатто ўз фарзандининг "концертга борайлик" деган хархашасига қулоқ тутмаса ҳам. Тўғриси, деҳқоннинг боласи бундай хархаша ҳам қилмайди, унинг кун бўйи қиладиган иши тайин — мол-ҳолни боқиш керак. Хўш, шундай шароитда қишлоғидаги тўйга эл севган санъаткорнинг "бирров" бўлса-да келиши у учун катта гап эмасми? "Бир неча йил илгари фалончи санъаткор фалончининг тўйига келганда бир мазза қилган эдик", деб ширин хотираларга берилган ҳамқишлоқларимнинг нечасини кўрганман. Ўша тўйда неча кило ош дамланганини ҳозир ҳеч ким билмайди, лекин ўша тўйдаги санъаткорни, унинг қўшиқларини қалбининг тўрида асрайди, қишлоқ одамлари.

Мен бу гапларим билан нима демоқчиман. Баъзи бир санъаткорларимиз олдиларига умид билан борган тўй эгаларининг аввало чўнтакларига эмас, унга бўлган ихлоси, иштиёқи ва ниятини ҳисобга олиб нархни белгиласалар уларнинг эл-юрт ичидаги обрў-эътиборлари яна ҳам ошган бўларди.

Бундан ташқари "бирров" дегани беш-олтита қўшиқ эмас-да. Буни айниқса чўнтагига овози ёзилган дискетни солиб келиб, фонограмма билан қўшиқ айтиб кетиш ҳолларига солиштирсангиз, "бирров"нинг нархи шунча қимматми дейсиз? Тўғри, бу мақолани ўқиган баъзи бировлар: "Тўйнинг чиқимига чидасангиз қилинг, кўрпага қараб оёқ узатинг", деб мийиғида кулиб қўйишлари мумкин. Бу бор гап. Лекин халқ жон-дили билан эшитадиган қўшиқларни пулга чақавериб, одамларни қўшиқдан ҳам (гап яхши ҳофизларнинг яхши қўшиқлари устида кетяпти) бездириб қўймайлик дейман-да.

Хонандалар томонидан ўйлаб чиқарилганми ёки тўй эгасининг кашфиётими, билмадим, ҳар қалай "бирров" ҳам одамларимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилиши керак деб ўйлайман.

**Имконият**

# Хорижда ўқимоқчимисиз?

***Пойтахтимиздаги Бадиий академия биносида 30-31 март кунлари Жанубий Корея таълим муассасалари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Жанубий Корея давлатининг 30 га яқин олий ўқув юрти ўз таълим дастурларини тақдим этди.***

***Мамлакатимиз ёшларининг хорижда таълим олишга иштиёқи баландлигини кўргазмалар зали икки кун давомида жуда ҳам гавжум бўлганидан билиш мумкин.***



Кўргазма давомида иштирокчиларга Жанубий Корея таълим муассасалари тўғрисидаги рисола ва маълумотномалар тарқатилди. Шунингдек, билимга чанқоқ ёшлар бевосита корейс университетлари вакиллари билан мулоқот қилиш ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имконига эга бўлишди.

Айтиш керакки, таълим кўргазмасида қатнашган Гонгжу, Пусан, Ханкук, Кукмин, Чонам, Ханянг, Тэгу, Чунгнам, Кёнг Сан, Чангвон каби университетлар нафақат Жанубий Корея, халқаро миқёсда ҳам ўз нуфузига эга бўлган олий ўқув юртлари саналади. ЮНИСЕФ томонидан Корея таълим тизими ривожланган давлатлар орасида энг самарали деб баҳоланганини ҳам бежиз эмас, албатта.

Жанубий Корея ўзининг нуфузли таълим муассасалари билан бутун дунё ёшларини ўзига жалб этяпти. Айни пайтда Осиёнинг мазкур ривожланган давлатида дунёнинг 143 давлатидан ташриф буюрган 32557 нафар хорижлик талаба таҳсил оляпти. Улар орасида ўзбекистонлик ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Юртдошларимиз хорижлик талабалар миқдори бўйича 10-ўринда туради.

2006 йилнинг мартида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаган Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида барча соҳалар қатори таълим йўналишида ҳам алоқалар ривожланиб боряпти. Кўргазма Жанубий Корея бош вазир ўринбосари, таълим ва инсон ресурсларини ривожлантириш вазири Ким Шин Илнинг мамлакатимизда ташриф буюрган пайтда ўтказилгани ҳам рамзий маънога эга бўлди.

* * *

31 март куни Тошкентнинг «Дедеман» меҳмонхонасида ҳам «Хорижда таълим-2007» таълим кўргазмаси ташкил этилди. Икки кун давом этган тадбирда Ўзбекистон ёшларига АҚШ, Буюк Британия, Канада, Янги Зеландия, Чехия, Мальта каби мамлакатларда таълим олиш имкониятлари хусусида маълумотлар тақдим этилди.

Ньюкасл, Шарқий Англия, Вестминстер каби Буюк Британиянинг етакчи университетлари тақдимотида қироллликда ўқиш шарт-шароитлари батафсил тушунтирилди.

Шунингдек, кўргазмада иштирок этган MLS International, Global Education Alliance, ET International каби ўқув марказлари хорижда таълим олиш ниятида бўлган ёшларга ўз хизматларини таклиф қилишди.

Кўргазма Global Study Group ва British Council томонидан ташкил этилди.

**С. КАМОЛОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

# Жаннатмакон боғлар

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Боғда ўсиб турган мевали ва бошқа дарахтларни кўриб, кўм-кўк майдонлару қийғос очилиб турган анвойи гулларга кўз ташлаб қулфи-дилингиз очилади. Яна қувонарли томони шундаки, "Шалимар" боғи Темурийлардан мерос қолган ноёб қадриятгина эмас, балки лаҳўрликларнинг бугунги кунда энг сўлим ҳордиқ чиқарадиган масканларидан бири ҳамдир.

Лаҳўр яқинида бунёд этилган Темурийларнинг дала қароргоҳи ва Жаҳонгиршоҳ мақбараси ансамбли бир бутун меъморчилик ҳамда боғдорчилик мажмуини ташкил этади. Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлиги даврида бу мажмуага хийла путур етказилган (чунончи, мажмуанинг икки йирик саройи боғ-роғлари, яшил майдонлари билан инглиз отлиқ аскарлари қароргоҳига айлантирилган) экан. Покистон мустақил давлат сифатида ташкил топганидан сўнг мажмуа қайта таъмирланибди ва деярли олдинги ҳолатига келтирилибди.

Мажмуа ичма-ич учта кенг ва муҳташам сарой — ансамбллардан ташкил топган. Биринчи сарой ансамбли улкан майдонни эгаллаган мевали ва манзарали дарахтлардан иборат боғ, кенг ва яшил майдонлар, масжид ва бутун сарой атрофини ўраб олган кўплаб ҳужралардан иборат бўлиб, бу сарой хизматкорлари, соқчилар ва отулов учун мўлжалланган. Иккинчи сарой ансамблининг меъморий кошоналари, боғлари, майдонлари, сайргоҳлари, йўлаклари ва ҳоказолари Темурий ҳукмронлар оиласининг ҳордиқ чиқарадиган дала қароргоҳи сифатида лойиҳалаштирилган ва бунёд этилган. Ва, ниҳоят, учинчи саройда Жаҳонгиршоҳ мақбараси ансамбли жойлашган. Шу сабабли бўлса керак, бу сарой-боғда ортиқча бинолар йўқ, ям-яшил майдонлар, гўзал йўлаклар бўйлаб мевали дарахтлардан кўра соя-салқин берувчи, анвойи ҳидлар таратувчи дарахтлар кўпроқ экилган. Жилдираб оқиб турган ариқчалар, у ер-бу ерда режа асосида бунёд этилган сув ҳовузлари бўйларидаги мажнунтолларнинг ерга қадар сузилиб тушганлиги саройга ўзига хос сирли бир сокинлик ҳиссиётини туғдириб турибди. Жаҳонгиршоҳ мақбараси эса сарой пешкосида қурилган бўлиб, Шарқ йўриғидаги улкан пантионни эслатади.

Қайд этиш керакки, ҳозир бу қароргоҳ мажмуи тўлалигича фуқаролар ихтиёрига топширилган. Ҳар куни сайёҳлар ва дам олувчиларнинг бу ердан қадами узилмайди. Дам олиш ва байрам кунлари эса бу ер лаҳўрликлар ва шаҳар меҳмонларининг сайилгоҳига айланиб кетади.

Лаҳўрда бўлган вақтларимда яна бир нарсадан воқиф бўлдим. Лаҳўр шаҳри яқинидан оқадиган Рави дарёси ўзанида, кичик бир оролда Бобуршоҳнинг ўғли Комрон Мирзо шинамгина оромгоҳ қурдирган экан. Тўрт томонидан дарё суви оқиб турган бу маскан ўз даврида барчанинг оғзига тушган жой бўлган экан. Бироқ вақт ўтиши, сув тошқинлари ва бошқа офатлар зарби билан оромгоҳ анча лат ебди. Яқинда жамоатчилик илтимоси билан оромгоҳ қайта тикланибди. Тикланганда ҳам ўз аслига қайтибди. Шаҳардан хийла олисда бу оромгоҳнинг тикланиши зарурмиди, деган саволимизга мезбонлар:

— Тўғри, уни тиклашнинг ўта зарурияти йўқ эди, лекин бу ерда бошқа гап бор: у ҳам бўлса оромгоҳнинг Темурийларга мансублигидир. Ахир бу ерга Комроншоҳ ва бошқа Бобур Мирзо авлодларининг назарлари тушган, — деб жавоб бердилар.

Ана шу туйғу лаҳўрликларга тинчлик бермабди. Ниҳоят кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан оромгоҳ қайта тикланибди. Ҳозир у барчанинг ҳордиқ чиқарадиган масканига, ёш келин-куёвларнинг эса тўй арафасидаги зиёратгоҳига айланган.

Бундай боғ-саройлар, меъморий обидалар Покистоннинг Мўлтон, Пешовар ва бошқа шаҳарларида ҳам бор.

Хуллас, Самарқандда буюк бобокалонимиз Амир Темур бошлаган боғ яратиш ҳаракати мамлакатнинг кўп ерларига тарқалиб, урфга айланди. Кейинчалик, Темурий-Бобурийлар сулоласи даврига келиб эса ҳозирги Ҳиндистон ва Покистон ҳудудларида бу урф фақат давом эттирилиб қолмасдан, маҳаллий нафис анъаналар билан бойитилган ҳам.

Амир Темур ва Темурийлар яратган боғ-саройлар, ҳақиқатан ҳам, Деҳлидаги "Лаъал-қалъа" гумбазида ёзиб қўйилганидек, жаннатни эслатар эдилар. Улар нариги дунё жаннатлари эмас, бу дунёнинг, яшаб турган заминимизнинг жаннатлари эдилар. Шунинг учун ҳам уларда шоҳу шаҳзодалардан тортиб оддий фуқарогача — барча сайр қилади, мириқиб ҳордиқ чиқаради. Одамлар бу боғлар неъматларидан то ҳануз баҳраманд бўлмоқдалар.

Кузатув

# Ички «пост»ларга зарурат борми?

**Йўловчи автобус Тошкентдан Нукус ёки Урганчгача чамаси 18-20 соат юради. Баъзан Қорақалпоғистоннинг Хўжайли шаҳригача роппа-роса бир кечаю кундуз юришга тўғри келади. Йўл узоқ. Йўлларнинг ҳамма жойи ҳам йўловчию ҳайдовчи хоҳлаганидек текис, равон эмас. Бораборгунча олтита вилоят, ўттиз бешга яқин туманни босиб ўтишга тўғри келади. Лекин гап бу борада эмас...**

**Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ,**
Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлар федерацияси аъзоси, журналист

...Тунги соат 2-3 ларда қайсидир йўл патрул хизмати масканида тўхтатилган автобусимизга икки киши чиқди. Биринчи ўриндиқда эдим, уйғотиб сумкамда нима борлигини сўрашди. Кўзим тўла уйқу эди. Табиийки, бундан бошқа йўловчилар ҳам ранжишди. Ҳайдовчилар бу ҳолга ўрганиб кетишган. Бу ҳам етмагандек, худди шу пайтда автобус юкхонасидан нарсаларни текшириш учун ерга тушира бошлашди. Бунинг учун жуда кўп вақтимиз кетди. Ҳали олдинда яна...



Халқимизда, йўл азоби, гўр азоби, деган нақл бор. Камина хизмат тақозоси билан йўлда бўлганим учун бундай ҳолатлардан яхши хабардорман. Текширув-назорат масканларида баъзан ички ишлар, баъзан божхона ходимлари ана шундай "текширув"лар ўтказиб туришади. Ишонмасангиз, сиз ҳам сафарга чиқиб кўринг. Тўғри, юртимизга яроқсиз товар, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари киритилмаслиги шарт! Назорат, текширув ҳам керак! Лекин у қонун-қоида доирасида, тартиб-интизом билан бўлиши лозим-да.

Кейинги пайтда Ромитон тумани ҳудудида "янги" божхона пайдо бўлиб қолди. Бундан йўловчилар ҳам, ҳайдовчилар ҳам ҳайрон! Бу нимаси?! Худди икки давлат чегарасидек, халқаро аҳамиятга эга бўлган Буюк Ипак йўли темир панжаралар билан тақватақ беркитиб қўйилибди! Айниқса, турнақатор турган автобуслар тунда обдон текширилади.

Бу ҳол юзасидан мен Ўзбекистон Давлат божхона қўмитасига ёзма мурожаат қилиб, раис ўринбосари Р. Мансуровдан қуйидагича жавоб олдим: "...Ромитон тумани ҳудудидаги А-380 ва М-37 автомагистраллари орқали республикага товарларни ноқонуний кириб келишини олдини олиш мақсадида Бухоро вилояти божхона бошқармаси томонидан "Ромитон" ва "Қизилравот" ҳаракатдаги божхона постлари ташкил этилган".

Жавоб мактуб сўнггида яна шу сўзлар битилган: "Шуни маълум қиламизки,.. "Чандир" йўл патрул хизмати масканида божхона постлари ходимларининг хизмат олиб бориши белгиланмаган".

Савол туғилади. Бўлмаса нега бир текширув-назорат масканида бир эмас, икки, баъзан уч текширув идораси вакиллари туради?!

1997 йилда Давлат божхона қўмитаси ташкил этилгач, унинг ходимлари фақат давлат чегараларида хизмат қилишлари кўрсатилган. Тўғри, баъзан махсус-тезкор гуруҳ ташкил этилиб, республика ичкарисида ҳам фаолият олиб боришлари мумкин. Лекин бу доимий дегани эмас-да.

Тадбиркор, йўловчи, ҳайдовчи, яъни истеъмолчиларнинг таклиф-истаклари инобатга олиниб мамлакат ичкарисидаги назорат-текширув масканлари маълум бир белгиланган жойда марказлаштирилган ҳолда ёки манзилдан манзилга "чиқиш-кириш" ҳолати ташкил этилса, айни муддао бўлур эди. Айни шу масалада Давлат Божхона қўмитасининг муносабатини билишни хоҳлардик.

Жавоб

# Жиноят аломатлари аниқланди

*Самарқанд вилояти прокуратураси томонидан "Ҳуррият" газетасининг 2007 йил 7 февраль сонида чоп этилган **"Қоринда қолган дока"** сарлавҳали мақоласида келтирилган ҳолатлар кўриб чиқилди.*

Аниқланишича, дарҳақиқат, Жомбой туман марказий шифохонаси туғруқхона бўлимида фуқаро С. Нурматова операция қилинганида қорнида 20 см.га яқин дока қолиб кетган, орадан 242 кун ўтгандан кейин Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали шифокорлари томонидан С. Нурматова қайтадан операция қилинган ва қорнидаги дока олиб ташланган.

Мақоладаги важлар юзасидан вилоят суд тиббиёт экспертизаси тайинланган. Экспертизанинг 2007 йил 12 мартдаги К-11-сонли хулосасида фуқаро С. Нурматовага Жомбой туман марказий шифохонаси туғруқ мажмуасида 2006 йил 30 апрель куни кесиш операцияси ўтказилганлиги, қорин бўшлиғида ёт жисм қолиши билан боғлиқ оқма яра ҳосил бўлиши бемор соғлиғини узоқ муддатга бузилишига сабаб бўлганлиги, лекин ҳаёт учун таҳдид қиладиган ҳолатларга олиб келмаганлиги, етказилган шикастнинг даражаси "ўртача оғирликдаги" деб ҳисобланиши кўрсатилган.

Текшириш якунларига кўра, шифокор Ш. Деҳқоновнинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжудлиги аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрь куни "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан "Амнистия тўғрисида"ги қарорининг 6-банди қўлланилган ва Жомбой туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатиш рад этилган.

**Х. ҚУРБОНОВ,**
вилоят прокурори вазифасини бажарувчи,
адлия катта маслаҳатчиси

ДАЛОЛАТ




**Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан шаҳарнинг шарқий дарвозасида, Тошкент-Марғилон йўли ёқасида «Ёшлар хиёбони» бунёд этиляпти.**

**Дам олиш маскани 8,5 гектар майдонни эгаллаган.**

Мутолаа

*Иоганн Вольфранг Гёте ўзининг шоҳ асарини яратгандан сўнг роппа-роса 200 йил ўтгач "Фауст" ўзбек тилида нашр этилди. Уни ўзбек тилига Эркин Воҳидов ўгирган эди.*

***Ой ўртанар, кўзларида ёш,***
***Бағри доғу юраги қийма.***
***Дер: эй, фалак, мен эдим қуёш,***
***Нега мени қилдинг таржима?***

# «Дастлаб Амал бўлган»

## Гётенинг «Фауст»идаги бир сўз маъноси ва унинг таржимаси ҳақида

**Акмал САИДОВ,**
профессор

Эркин Воҳидовнинг бу сатрлари "Фауст"ни таржима қилишга киришган пайтларда ёзилган. Буюк Гёте ўн беш минг мисрага яқин "Фауст"ни олтмиш йил ёзган. Улуғ шоирнинг фикри ва фалсафаси, у яшаган замон ва макон руҳи моҳирона берилган шоҳ асарни Э.Воҳидов ўзбек шеърияти оламига олиб кирди. Шу тариқа "инсоният тарихининг мағзи" бўлмиш "Фауст" ўзбек халқининг ҳам мулкига айланди.

1972 йилда Ёзувчилар уюшмасида "Фауст" таржимаси тақдимномаси бўлган. Унда академик Воҳид Зоҳидов ҳам иштирок этган эди. "Бу асарни куни кеча қўлга олдим ва уни тўлиқ ўқиб чиқишга вақтим бўлмади, — деганди тақдимотда сўз олган академик. — Аммо "Фауст"даги икки муҳим жой Эркин Воҳидов томонидан қандай таржима қилинганлиги билан қизиқиб кўрдим. Биринчиси "Теория, друг мой, суха" жумласи таржимон томонидан "Назария қуруқ оғочдир", деб ўгирилибди. Жуда моҳирона таржима! Бу жумла "Назария қуруқдир" деб берилиши ҳам мумкин эди. Бироқ таржимон Гёте даҳосига ўта ижодкорона ёндашган. Худди шундай фикрни "Инжил"даги "Слово" сўзи таржимаси ҳақида ҳам билдириш мумкин".

Нима учун муҳтарам академигимиз бу серқирра, чуқур маъноли, мураккаб фалсафий мушоҳадаларга тўла, ҳажм жиҳатидан ҳам йирик асардаги бевосита шу бир — "Калом" таржимасига алоҳида эътиборини қаратган.

"Инжил"даги бу сўз таржимаси билан боғлиқ саҳна "Фауст"да марказий ўринни эгаллайди:

**"Дастлаб Калом бўлган". Илк сатрданоқ**
**Мени лол этди-ку мураккаб жумбоқ,**
**Нима бўлди экан бунинг маъноси?**
**Наҳот сўз оламнинг бўлса асоси?**

Трагедияда Фауст бу илоҳий сўз қандай таржима қилинса, маъноси тўғри бўлиши ҳақида мулоҳаза юритади. "Инжил"да илоҳий хушхабар "Азалда Калом бор эди", деб бошланиши яхши маълум. Дарҳақиқат, ушбу илоҳий хушхабар Қуръони каримнинг 55-сураси 2 оятида ҳам келтирилган. Фауст бу ҳақда "Наҳот сўз оламнинг бўлса асоси?" дея мазкур таърифга янги-янги маъно бахш этишга интилади. Унинг ўзи ана шундай Инсон туб моҳиятини англаш учун бетиним изланадиган файласуфдир. У борлиқнинг азали ва интиҳоси илдизларига етиш учун ҳар қандай изтиробларга ҳам тайёр. Бунга ҳатто Мефистофель ҳам ҳайрон:

**Шундай уқубатда яшарки одам**
**Раҳмим келар ҳатто менинг ҳам.**

Тангри Мефистофелнинг бу таажжубига қуйидагича жавоб беради:

**Фаустни танирсан?**
**Қулим.**
**У то тирик экан қўлингда сенинг.**
**Изланиш бор ерда адашиш ҳам бор.**

Шайтон қиёфасидаги Мефистофелнинг ўзида изланиш руҳи ҳукмрон бундай олимни ҳам йўлдан уришига ишончи комил. Бунинг учун у Тангридан Фаустни синаб кўришга ризолик олади.

Фауст илмга ғайри табиий даражада чанқоқ олим, у ҳамиша ҳақиқатга интилади, ҳатто ўзини Илоҳга тенглаштиради, бироқ Ер Руҳи билан учрашганидан кейин хатосига иқрор бўлиб, ўзининг нақадар номукаммаллигини англайди. Шундай бўлса ҳам, ўзида шайтонга қалбини сотмайдиган маънавий ва руҳий қудрат борлигига амин. Шунинг учун у иблис билан шартнома тузишдан ҳайиқмайди.

Мефистофель — ўта фирибгар ва ҳийлагар. У Фаустнинг хонасида лайча қиёфасида пайдо бўлади, олим билан юзма-юз қолгандагина ҳақиқий башарасини кўрсатади. Фауст билан шайтон ўртасидаги келишувга мувофиқ Мефистофель олим ҳаётлиги даврида унинг қулига айланади.

Иблис Фаустни дастлаб "Кичик", сўнгра "Катта давра"га "олиб киради". Фауст гўзал Еленага уйланади, кўҳна салтанатлар маҳобатининг гувоҳи бўлади. У оламни такомиллаштириш буюк ғоялари доим барҳаёт бўлиши, эзгулик албатта тантана қилишига ишонч билан ҳаётдан кўз юмади. Фауст бошига тушган уқубатлар олдида таслим бўлмайди, кўр бўлиши, кексайишига қарамасдан, маънавий камол топади. Мефистофель унинг руҳан заиф эканлигини исботлай олмайди ва ўзи мағлуб бўлади.

Гёте шоҳ асари қаҳрамони олим ва ҳуқуқшуносдир. У — реал тарихий шахс. Фауст XVI асрда Германияда яшаган, шифокорлик қилган, афсунгар кимёгарлиги ҳам маълум. Унинг ақл бовар қилмайдиган мўъжизакорлиги, исёнкор руҳи ҳақида афсоналар тўқилган. Фауст тўғрисидаги ривоятлар авлоддан авлодга ўтиб келган. Бу тарихий шахс ҳаётлик вақтидаёқ ўз руҳини шайтонга сотган, деган миш-мишлар тарқалган эди. Айнан мана шу боисдан Фауст халқ ижодиётига мансуб китоблар ва қўғирчоқ томошалари қаҳрамони бўлган. Лекин у нафақат бу билан машҳур эди.

Фауст образи Вильям Шекспирнинг замондоши, инглиз Кристофер Марло драмаси, романтизмгача мавжуд бўлган "Бўрон ва шиддат" (у шу номдаги пьеса муаллифи ҳамдир) оқимининг асосчиси немис Клингер романида, шунингдек, бир қанча бошқа адабий асарларда ўз аксини топган.

"Бўрон ва шиддат" ҳаракати етакчиларидан бири, заҳархандалиги билан машҳур бўлган Иоганн-Генрих Мерк эса Мефистофелнинг ҳаётдаги прототипи эди. Иблис билан "қариндошлик" унинг учун машъум бўлди: Меркнинг барча фарзандлари бевақт ўлиб кетади, 1791 йилда эса у руҳий хасталиги оқибатида ўзини ўзи отиб ўлдиради.

Кўриниб турибдики, Гёте Фауст ҳақида асар яратишга қарор қилган адибларнинг биринчиси эмас эди. Аммо Фауст шахсига ёндашишдаги ўзига хослик Гёте шоҳ асарини бошқалардан кескин ажратиб туради. Трагедиянинг якунланиши худди ана шунинг далолатидир. Фауст бошқа адиблар "Фауст"лари сингари шайтонлар томонидан тилка-пора қилинмайди, аксинча, фаришталар томонидан осмонга олиб чиқиб кетилади. Фикримизча, у инсоннинг чўққилардек сарбаланд мавқеи тимсоли бўлиб, одамзотнинг ўз қудратига ишончи рамзидир.

Гёте асарида олим Фаустнинг хонаси готик услубдаги қоронғу равоқлар сифатида тасвирланади. Бу Ўрта асрлар даврининг зоҳид инсон тўғрисидаги тасаввурлари билан уйғунлашиб кетган. Фауст ҳар қандай қилиб бўлса-да мана шундай ўзини ўраб турган, чекланган олам, биқиқ хонаси тутқунлигидан озодликка чиқишга талпинади. Зеро, ўз-ўзини камол топтиришнинг интиҳоси бўлмайди. Изланувчан тафаккур олим олдига ҳамиша янги, янада мураккаброқ вазифалар қўяверади.

Фауст — фавқулодда серғайрат, битмас-туганмас куч-қудратга эга фаол инсон. Ёрдамчиси Вагнер эса унинг тескарисидир. Вагнер учун билим — бу оламни ва ўзини идрок этиш эмас, балки ўқиб тугатилган китоблар сони билан ўлчанадиган соф миқдорий тушунчадир.

Ўрта аср фани сохта илмийлигидан ҳафсаласи пир бўлган Фауст афсунгарликка берилади. Бу у оломоннинг ҳамду саносини истеҳзолик билан қаршилаган учинчи саҳнада намоён бўлади. Олим Коинот билан муштарак бўлиш, унинг сир-синоатларини билиш истагида тажриба ўтказиб, сал бўлмаса ўзини ҳалок этаёзганди. Гарчи Фауст ибодатхоналарга кўп қадам ранжида қилавермаган бўлса ҳам, бевосита черков бонги жаранглари ва хор қўшиғи уни ҳушига келтиради, ўзи содир этаётганларининг куфрлигини англашига имкон беради.

Гётенинг ушбу асари қарийиб 60 йил (!) давомида битилди ва шу сабабли у ўзида адибнинг ҳаёт тажрибаси ҳам, теран, яширин маъноларни ҳам мужассамлаштирган. Гёте худди асар қаҳрамони сингари олим ва ҳуқуқшунос бўлганлиги, айниқса, эътиборга моликдир.

Гёте Фауст тилида шундай дейди:

**Илоҳият ила банд бўлдим,**
**Файласуфи хирадманд бўлдим.**
**Илми ҳуқуқ, илми табобат —**
**Барчасини ўргандим...**

Фауст эса тарихий шахс сифатида фақат олим эди.

Гётенинг Фауст шахсига бу таърифи унинг борлиқ тўғрисидаги тасаввурлари инъикосидир, деган фикрни туғдиради. Бу ҳолда Фауст нима учун шайтонлар томонидан тилка-пора қилинмаганлиги тушунарлидир. Чунки муаллиф ўзининг ҳақлигига ишончи комил.

Одатда, трагедиялар фожеали тугайди. Бироқ асар синчковлик билан мутолаа қилинмаса, "Фауст"да бундай якуннинг ўзи йўқ. Барча трагедияларга танлаш зиддиятлари хос. Англашимизча, танлаш муаммоси борлиқни янада чуқурроқ тасаввур этишнинг давомини танлашдан иборатдир. Бунинг иккита йўли бор, аммо иккаласининг ҳам боши берк, интиҳоси ҳалокатли. Фауст шайтон билан қабиҳ шартнома тузади, Мефистофель ундан нимани исташини, нимани талаб қилишини билади. Бироқ ўзи учун ниҳоятда фожеали битим, уни қароридан қайтаришга ожиз. Чунки у ҳаётини билимларини муттасил такомиллаштириб боришсиз тасаввур қила олмайди.

Олимни севиб қолган бегуноҳ қиз Маргарита Гретхеннинг тақдири ҳам аянчли. У зиндонга ташланади ва ўлимга маҳкум этилади. Ҳолбуки, у ҳали жуда нав-ниҳол:

**Гўзал эдим ғоят бир замон,**
**Ҳусним мени ўлдирди, аён.**
**Ёр ёнимда эди у чоқда,**
**Ҳозир эса йироқ-йироқда...**

Шундай қилиб, Гёте асарида, фикримизча, иккита фожеа мужассамлашган. Фауст нима қилиб қўйганлигини англайди, у Мефистофелдан нафратланади, шайтон эса ўз навбатида уни "майда махлуқ" деб атайди. Бироқ унинг Мефистофель билан ёнма-ён бўлишдан бошқа иложи йўқ. Мефистофель бамисоли кўланка сингари ундан ажралмайди, бирор дақиқа ҳам ёлғиз қолдирмайди.

Асар "Бағишлов"ига ҳам алоҳида тўхташ даркор. У, биринчи қарашда, трагедияга умуман алоқадор эмасдек. Муқаддимадан шоир директор буйруқларига итоат этишга рўйхуш эмаслиги равшан бўлади. Зеро у — санъаткор, ижодкор, қалб амри билан иш кўради. Нима ҳақда ва қандай ёзиш унинг измидадир. Фауст ҳам Ўрта асрлар жамияти қоидалари асосида яшашни хоҳламайди. У ўз тақдирининг соҳибидир.

Гётенинг "Фауст"и ўзида нафис шеъриятни, мумтоз мукаммалликни ва теран фалсафий тафаккурни мужассамлаштиради.

Гётенинг "Фауст"и инсонпарварлик тафаккурининг чўққисидир. Инсон, унинг эҳтирослари юксаклиги ва барқарорлиги, ҳаёт ҳақиқати ва мазмуни, бетиним изтиробий изланиш, парвозлар ва тубанлик, Ҳурлик ва Муҳаббатга эга бўлиш ҳақидаги буюк драматик эпопеядир.

Гётенинг "Фауст"и мисли кўрилмаган эҳтирослар оташи, ақл қайроғи, битмас-туганмас донолик чашмаси, асрларга ва минг йилликларга татийдиган асардир.

Гёте ота-онаси билан яшаган уйда "Инжил" ҳар куни мутолаа қилинадиган китоб бўлган. Дин тарихига бўлган қизиқиш унда жуда эрта уйғонган. У "Инжил"ни муттасил мутолаа қилиб улғайган. Гёте "Инжил" тили — ивритни ўрганган. У Исо Масиҳ китобини ивритда ўқиб тугатган.

"Менинг тилларни ўрганишга ва Муқаддас китоб маъносини чақишга бўлган интилишим, — деб эътироф этган эди шоирнинг ўзи, — тасаввуримда гўзал ва шонли мамлакат, унинг атрофидагилар, қўшнилар ҳамда минглаб йиллар муқаддам шу бир парча ерни улуғлаган халқлар ва воқеаларни ҳаётбахш гавдалантиришга олиб келди".




Гёте болалигидаёқ Муқаддас Бешкитобдан катта парчаларни ёд биларди. Франкфуртда ҳурматга сазовор адлия маслаҳатчиси, ҳуқуқшунос бўлган отаси бундан жуда ғурурланарди. "Инжил" Гёте учун худди шеърий образлар ва сюжетлар булоғи эди. У бутун умрини бахшида этган "Фауст"да "Бағишлов"дан тортиб бош қаҳрамон ўлимининг якуний саҳнасигача "Қадимги аҳд"дагига ўхшаш кўплаб манзаралар, шахсларга дуч келиш мумкин. Бундай икки юздан ортиқ ўхшашликлар борлиги ҳисоблаб чиқилган. Гётенинг энг севимли китоби бўлган, Юҳанно баён этган Муқаддас хушхабардан олинган манзара айниқса ўхшашдир. Гётенинг "Бағишлов"ида худди Муқаддас Китобдагидек Тангрининг шайтон билан мулоқоти такрорланади.

"Инжил"да Тангри шайтонга савол беради: "Сен менинг қулим Аюбга эътибор бердингми?" Гёте асарида ҳам Мефистофелга "Фаустни биласанми?" саволи берилади ва "У менинг қулим" деб қўшимча қилинади. Бу ерда гап фақат юзаки ўхшашлик тўғрисида кетаётгани йўқ. Аксинча, бундан жуда теран фикр англанади: инсон синов қилинмоқда, унинг руҳи ҳам синовдан ўтмоқда.

Мефистофель образи Муқаддас Китоб руҳида талқин қилинади. Аммо Фауст образида, унинг умидсизлигида (Муқаддима, олимнинг хонасидаги саҳна) Экклезиаст китоби, ундаги "беҳудадан беҳуда уриниш"лар ғояси инсон саъй-ҳаракатларининг бесамаралиги аск-садоси ифодасини топган. "Фауст"нинг иккинчи қисмида бош қаҳрамон образида Масиҳга хос хислат сезилади.

Боқий "Фаустнинг "Бағишлов"и "Инжил"га тақлиддир. Бу ўзлаштириш Гётенинг ўзи томонидан тасдиқланган: "Менинг "Фауст"имдаги манзаралар Инжил тасвирлари билан баъзи ўхшашликка эгалиги рост, — дейди Гёте ўз котиби И.П.Эккерман билан инглиз ёзувчиси Жорж Байроннинг тақризини муҳокама қилар экан, — бироқ бунинг учун мен айбланишдан кўра, мақташга лойиқман".

Ҳар икки тасвирнинг мос тушганлиги, айниқса, "Инжил" матни ҳам драматик шаклда баён қилинганлиги назарда тутиладиган бўлса, бу ҳайрат уйғотмасдан қолмайди. Асарда Мефистофель пайдо бўлишидан олдинги саҳнада, яъни Фаустни душман куч эгаллаб олишидан бир дақиқа аввал олим Муқаддас Китоб таржимаси билан машғул бўлади. У "Инжил" муаллифи хулосасини тузатишни ва уни янгича ифодалашни хоҳлайди. Бундан пайдо бўлган ғурурланиш туйғуси уни шайтоний кучга изн беришига мойиллик туғдиради.

"Инжил" биринчи шеъри (сано)сидаги "Дастлаб Калом бўлган" тарзида қилинган таржима маъқул тушмаган олим даставвал уни "Дастлаб Идрок (Sinn) бўлган", сўнгра: "Дастлаб Қудрат (Kraft) бўлган", тарзида талқин қилади.

Давоми 4-бетда.

